

**ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ҲАРБИЙ
ВАТАНПАРВАРЛИК НУТҚИНИНГ РОЛИ.**

Сотволдиев Абдулхошим Юлдашович

*Низомий номли ТДПУ Чақириққача ҳарбий таълим факультети, Методик
тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси, доцент. Тел: (97) 738 01 21*

Хофизов Жавохирбек Қурбонбой ўғли

*Низомий номли ТДПУ 70112001– Чақириққача ҳарбий таълим магистратура
мутахассислиги 1-босқич магистранти*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги “Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4375-сон қарори билан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир ишлар самарадорлигини ошириш ва фаоллаштириш, бу борадаги таълим-тарбиявий ишларга мамлакатимиз фуқароларини, давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотларини ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада фаол жалб этиш ва ёшлар онгига ватанпарварлик, мардлик туйғуларини сингдириш мақсадида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси тасдиқланди. Мазкур Концепцияда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялашга оид яхлит таълим-тарбия тизимининг узвий ва ажралмас қисми сифатида қаралиб, Ўзбекистон ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Концепциянинг асосий мазмунини Она-Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг шухратини дунёга тараннум этиш билан боғлиқ энг муҳим тушунчалар, ҳаётий ва профессионал кўникмаларни илм-маърифат асосида ёшларнинг қалби ва онгига илк болалик давридан бошлаб сингдириб бориш орқали Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвар фуқароларини тарбиялаш ташкил этади.

Маълумки Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш усуллари ёшларда зарур ҳаётий билим, кўникма, маҳорат ва мустақкам иродани, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга қаратилган, уларнинг онги, руҳияти ва фаолиятига таъсир кўрсатадиган омиллардан иборат бўлади. Қуйидагилар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг усуллари ҳисобланади: ишонтириш; машқ қилдириш ва мустақил ишлаш; кузатиш; рағбатлантириш; ўртак кўрсатиш ва шахсий намуна. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг шакллари ва усулларидан фойдаланишда устоз-мураббийларнинг касбий билими, ҳаётий тажрибаси, педагогик маҳорати билан бир қаторда унинг нотиклик санъати ҳам муҳим аҳамият касб этади.

С. Иномхўжаев ўзининг “Нотиқлик санъати асослари” китобида нотиқлик санъатини муайян тур ва ички кўринишларга ажратиб, ҳар бирига алоҳида тўхталади. Масалан, олим С. Иномхўжаев сиёсий-ижтимоий нотиқлик турининг тўққизта ички нутқий кўринишларни қайд этади. Бунда ҳарбий ватанпарварлик нутқи ҳам сиёсий-ижтимоий нотиқликнинг муайян бир кўриниши сифатида берилди.

Нотиқлик санъати муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга ва қудратга эга бўлган таълим ва тарбия воситаларидан биридир. Шунга кўра ҳам қадимдан жамият тарихидан бошлаб нотиқлик санъатига жиддий эътибор бериб келинган. Нотиқлик санъати жамият тараққиётида турли даврларда турлича йўллар билан ривожланиб келган. У жамиятнинг қайси давр ва босқичи бўлмасин ўша давр-ўша тузумнинг сиёсий-иқтисодий асослари ва маънавий эҳтиёжи билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланган.

Ҳарбий ватанпарварлик нутқи нотиқлик санъатининг жуда қадимий кўринишларидан бири бўлиб, у аввало ўзининг жанговар руҳи билан, сиёсий кескинлиги билан, ватанпарварлик моҳияти ва табиати билан ҳамда халққа садоқат руҳида суғорилганлиги билан ўзига ҳосдир, мустақилдир.

Ҳарбий ватанпарварлик нутқи ҳақида гапирганда тарихан Искандар Зулқарнайн, Амур Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркардалар фаолиятига тўхталмасликнинг иложи йўқ. Чунки улар сўз санъатига, сўз қудратига жиддий эътибор бериб, ҳарбий ватанпарварлик нутқини юқори даражада намоиш қила олганлар. Ҳарбий юришларда бутун қўшин олдида нутқ сўзлаб, жангчиларда ўзига ишонч уйғотганлар, уларга жанговар руҳ бера олганлар. Саркардаларнинг нутқи мантиқий изчиллиги, аниқлиги, таъсирчанлиги, теранлиги билан ажралиб турган. Бу нутқлар ғализликдан, такрорлардан, сўзларни ноўрин ишлатишдан ҳоли бўлган. Масалан, Амур темурнинг нутқи ифодаларга бойлиги, теранлиги, қатъийлиги, аниқлиги ўзига бўлган ишончининг юксаклиги билан ажралиб турган.

Амур Темур ўз васиятларини ифода этишда аниқ, тушунарли, қисқа, теран ва мантиқийлик каби сифатларга эътиборли бўлган: “...Ўғилларим, миллатнинг роҳати, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тадбиқ этинг. Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Адолат ва ийиллик (яхшилиқ) қилмоқ дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин. Мен каби узун салтанат сурмоқ истасангиз қиличларингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир дафъа чекидан сўнра-да, уни усталик-ла қўллангиз.”

“Мамлакат ва миллатнинг осойишталиги, қўшин салоҳиятининг мустаҳкамлиги, раиятнинг хотиржамлиги борасида фойдали тадбирлар кўринг. Бинобарин сизлар ҳам итоат ва эҳтиром борасида унга байъат билдириб, салтанатни бошқаришда, эл-юртнинг тинчлиги, мусулмонларнинг осойишталиги учун ҳамжиҳат бўлиб, кўмаклашиш лозим. Сизларнинг ҳамжиҳатлик ва иттифоқ билан қилган ишларингиз узоқ-яқиндаги дўст-душманларга кўриниб турсин. Тоқим ўзаро низоларга ўрин қолмагай, ҳеч ким салтанатга қарши исён кўтаришга ўзида жасорат

топмагай. Билакс ўзаро низолар вужудга келгай, раият бошига ташвиш ва надоматлар ортиб, мамлакат ободонлиги барҳам топгай. Инчунун, менинг кўп йиллик саъй – ҳаракатларим зое кетгай...”

Таъсирчан нутқи билан шох ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур машҳур бўлган. Унинг ҳаётида –жанговарлик санъатида бадий сўзнинг таъсир қувватини кўрсатиб берувчи қатор жонли далиллар бор. Тарихдан маълумки, Бобурнинг нутқий маҳорати лашкарлир орасида бошланган поракандаликни, тарқоқликни тўхтатган. Унинг ҳинд саркардаси Рано Санго билан бўладиган жанги олдидан (1527) кўшинлари орасида баъзи бир сабабларга кўра тарқоқлик бошланади. Бу аҳволни кўрган Бобур лашкарлари олдида нутқ сўзлайди: “Ҳар кимки ҳаёт мажлисига кирибтур, оқибат ажал паймонасидин ичкусидир ва ҳар кишиким, тириклик манзилига кирибтур, охир дунё ғамҳонасидин кечкусидир, ёмон от билан тирилгандин, яхши от билан ўлган яхшироқ... Тангри таоло бу навъ саодатни бизга насиб қилибтур ва мундоқ давлатни бизга қарийиб айлабтур. Ўлган шаҳид ва ўлдирғон ғозий, барча Тангрининг каломи билан онт ичмак керакким, ҳеч бу қатолдин юз ёндирур ҳаёл қилмай, то бадандин жони айрилмагунча, бу муҳориба ва муқотиладин айрилмагай....” Гулбаданбегимнинг маълумотига кўра “бунга мажлисдагиларнинг ҳаммаси рози бўлишиб...., томиримизда бир томчи қонимиз қолгунча курашамиз, деб қасам ичадилар...”

Демак, ҳарбий ватанпарварлик нутқи санъат даражасига кўтарилган нутқ турларидан бўлиб, ҳам шакли, ҳам мазмунига кўра ҳарбий хизматчилар фаолиятларига раҳбарлик қилишда ва уларни ўқитишда, тарбиялашда ҳамда улардаги ақлий, иродавий каби сифатларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги тарихдан маълум ва ўз исботини топиб бўлган.

Ҳарбий ватанпарварлик нутқи сиёсий-ижтимоий нотикликнинг таркибига кирувчи бошқа нутқ кўринишларидан кескин фарқ қилади. Бу нутқ кўринишининг тарихи аслида Зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлмиш “Авесто”га бориб тақалади. Унда ҳарбий юришлар, қабила йўл бошчиларининг ҳарбий ватанпарварлик нутқлари ҳақида маълумотлар берилган. Масалан , Кави Виштасп қабиланинг йўл бошчиси бўлиб, бир неча тарқоқ қабилаларни бир-бирига бирлаштириб, уларга бошчилик қилган. Қабилани бошқариш учун аввало дадил, эркин фикрловчи ва оммани ўзига ишонтира оладиган шахс бўлиши керак бўлган.

Туроннинг Спитамен, Темур Малик, Жалолоддин Мангуберди ва бошқа мард баҳодирлари, саркардалари ҳам ўзларининг жасурлиги, мардонаворлиги билан бирга ҳарбий ватанпарварлик нутқини мукамал эгаллаганлар, амалда исботлаганлар. Уларнинг нутқларида доимо Она-юрт ҳимоясига тайёр эканликлари кўриниб турган. Масалан Хўжанд ҳокими саркарда Темур Малик ўз Она-ватанини жонидан севган, иймони бутун, мард ҳалқ фарзанди бўлиб, мўғуллар Моварауннаҳрга ҳужум қилган дастлабки онлардаёқ, у оташин нутқ сўзлайди: “Ҳатто ожиз инсон ҳам бор кучи билан ташланса, даҳшатли йўлбарсни ҳам енгади. Наҳотки биз чекинишни ўйласак ?

Душманни саратон иссиғидан қочади, демаклик –нодонлик !... Жангга кирсак, ўқимиз нишонга тегишини, қиличимиз осмонда ярқирашини кўрсатинглар!”

Кўриниб турибдики, ҳарбий ватанпарварлик нутқи жанговар курашга қаратилган, юқори ватанпарварлик ғояси билан йўғрилган, сиёсий характери ва ватанни ҳамда ўз ҳалқига садоқат руҳида суғорилганлиги билан характерланадиган, шахсий ботирлик, оммавий мардлик кўрсатишни талаб қиладиган нутқдир. Демак, бу нутқ кўриниши бошқа нутқ кўринишларидан ўзининг таъсирчанлиги, жанговар руҳ ва кўтаринки кайфиятдалиги Ватанга садоқат руҳидалиги билан фарқланиб туради.

Ҳарбий ватанпарварлик нутқида, асосан, ундов ва буйруқ гаплар фаол қўлланади. Мазкур нутқ кўринишида мураккаб, ишонтириш, ғалабага ундаш каби ғоялар, чақириқлар етакчилик қилади.

Ҳарбий бошлиқ нутқининг идрок қилиниши бир қатор шароитларга боғлиқ. Буйруқ ва талаблар қанчалик аниқ ҳамда тушунарли ифодаланса, ҳарбий хизматчилар уларни шунчалик осон ва тўлиқ тушунадилар. Буйруқдаги қисқалик ва қатъийлик ҳарбий бошлиқ нигоҳидаги ташқи хотиржамлик билан қўшилиб, ҳарбий хизматчиларда топшириқни муваффақиятли бажаришга нисбатан ишонч уйғотади. Шу билан биргаликда буйруқдаги сўзларда, айниқса жанг шароитида аскар, сержант ва офицерга бўлган хурмат ўз ифодасини топиши керак.

Ҳарбий бошлиқнинг обрўси унинг сўзларининг таъсирчанлигини янада оширади. Обрўли ҳарбий бошлиқнинг буйруқ ва талабларини бўйсунувчилар юракдан қабул қиладилар, бу сўзлар улар фаолиятининг мотивига айланади.

Ҳарбий бошлиқ нутқини ҳарбий хизматчилар тўғри идрок қилишлари учун унга олдиндан тайёргарлик кўриш. Айтайлик, уларда интизомлиликни ва бошқа сифатларни тарбиялаш лозим бўлади. Фавқулотда пайдо бўладиган оғир вазиятларда жанговар топшириқни бажариш мақсадида бошлиқ бўйсунувчиларга нисбатан ўзининг талабларини қатъий ва талабчан шаклда ифодалаш зарур. Ҳар қандай ҳолатда ҳам оғзаки буйруқ бераётганда эҳтиросга берилиш ёки шахсий таркиб шаънини ҳақорат қилиш мумкин эмас. Буйруқдаги ишонч ва қатъийлик ижрочида ҳам шундай ҳиссиётни ҳосил қилади.

Ҳарбий бошлиқнинг нутқи барча даврлардаги каби ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аксинча, жуда тез ўзгариб бораётган ҳозирги вақтда ҳарбий ватанпарварлик нутқи, ёшларни миллий тикланиш мафкураси асосида тарбиялаш ва умуминсоний кадриятларни англантишда, Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғоясига садоқат руҳида ўқитиш ва тарбиялашда, таълим олувчилар билан доимий иш олиб боришда, қобилиятли ўсмирларни саралаб олиб, замонавий хорижий ўқув марказларида кейинги таълим учун шароит яратишда, олий ўқув юртларининг кадрлар потенциалини тарбиялаш ва шакиллантиришда, юқори малакали хорижий мутахассислар билан рақобатдош офицер кадрлар тайёрлашда ўзининг қанчалик зарур эканлигини номоён этмокда.

Ҳарбий бошлиқнинг нутқи унинг темпераменти ва характери, унинг ақли, ҳиссиёт ва ирода сифатларини намоён этар экан, уни ривожлантириш учун барча лавозимдаги ҳарбий бошлиқлар, жамоатчилик ишларида фаол иштирок этиш, сўз бойлигини кенгайтириш, чет тилларини ўрганиш, ўз фикрларини эркин ва тўғри ифодалашга ўргатиш, нутқни ривожлантириш бўйича махсус машқларни бажариш, ўз нутқини баҳолаш ва назорат қила олишлари талаб этилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги “Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4375-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон қарори. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарининг 2008 йил 21 январ № 11 – сонли ҳамда 2009 йил 2 ноябр № 177 – сонли буйруғига кўра Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий матбуот органи “Ватанпарвар” газетасида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва ўрта махсус, касб-хунар коллежларининг “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фани ўқитувчилари учун нашр этилган илмий-услубий мақолалар тўплами. “Ҳарбий бошлиқнинг нутқи - шахсий таркибни тарбиялашнинг муҳим омили”. 2013 й. 24.05. № 21.